

САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 май куни ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил қилиш, уларни зарур инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, бундай мажмуалар яхлит жойлашув, қулай коммуникация эвазига саноат ривожига катта туртки бўлади. Ўтган беш йилда юртимизда қўшимча 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилиб, мингдан ортқ лойиҳа амалга оширилди. Натижада 100 мингта иш ўрни яратилиб, йилга 45 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, саноат зоналаридаги корхоналар йилга 750 миллион долларлик экспорт ва 1 триллион сўмдан зиёд солиқ тушумларини таъминламоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳар бир туманга, олис ва чекка ҳудудларга саноат кириб бормоқда. Хусусан, илгари саноат умуман бўлмаган 11 та туманда 205 та янги корхона иш бошлади.

Аслида, салоҳият, марралар бундан-да юқори. Лекин уларни ҳаётга татбиқ этишда сусткашлик ҳолатлари кўп. Айрим кичик саноат зоналарининг бош режаси ҳалигача тасдиқланмагани, яна баъзилари инфратузилма билан тўлиқ таъминлан-

магани сабабли тайёр лойиҳалар бошланмасдан турибди.

Бундан ташқари саноат зоналарида иш бошлаш учун беш босқичли жараёндан ўтиб, ўндан ортқ ҳужжатлар йиғиш кераклиги тадбиркорларга қийинчилик туғдирмоқда.

Президентимиз бу масалаларни ҳал этиш саноатни ривожлантириш ва иш ўринларини кўпайтиришда муҳим эканини таъкидлади.

— Бозор иқтисодиётида ҳар бир туманга, ҳар бир маҳаллага инвестиция кириб бориши керак, — деди давлатимиз раҳбари. — Жорий йилнинг ўзида 2 мингта лойиҳани амалга ошириш, 110 мингта янги иш ўрни очиш ва 1 миллиард доллар қўшимча экспорт қилиш мумкин. Бугунги муҳокамаимиз замирида шу мақсад ётибди.

Йиғилишда саноат зоналарида бўш турган 6 минг 600 гектар майдонни электр энергияси, сув, йўл ва бошқа шароитлар билан таъминлаш чоралари муҳокама қилинди. Бунинг учун 1 триллион 500 миллиард сўм ёки 2021 йилга нисбатан 2 баравар кўп маблағ ажратилиши белгиланди.

Ҳудудларда текстиль-бўёқ ва терини қайта ишлаш бўйича кўплаб янги лойиҳалар тайёрланган. Бунинг учун марказлашган тозалаш иншоотлари зарур. Шу боис бундай корхоналар учун танланган жойларда замонавий тозалаш иншоотлари

қуриш бўйича кўрсатма берилди.

Маълумки, 200 миллиард сўмдан юқори бўлган лойиҳалар инфратузилмаси учун харажатларни давлат томонидан молиялаштириш жорий қилинган. Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилояти тадбиркорлари бу имкониятдан фойдаланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 630 миллион долларлик лойиҳалар ташаббуси билан чиққан.

Шундай лойиҳалар учун жорий йилда ҳудудларга 170 миллиард сўм ажратилиши қайд этилди. Вилоят ҳокимлари бошқа ҳудудларга бориб, бир-бирининг тажрибасини ўрганиши муҳимлиги таъкидланди.

Самарқандда 300 гектар майдонда янги махсус саноат зонаси ташкил этилиши айтилар экан, у ерда бизнес учун қулай шароитлар яратиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган лойиҳаларни шакллантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари саноат зоналарида иш бошлашдаги бюрократияга алоҳида тўхталиб ўтди. Бу борадаги тартибни соддалаштириш чоралари белгиланди. Унга кўра, эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган лойиҳаларни экспертиза қилиш ваколати Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ўтказилди. Импортда имтиёзларни қўллаш

учун лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказининг хулосасини олиш тартиби бекор қилинади.

Шу пайтгача саноат зоналаридаги ерлар аукционга ҳокимлик томонидан қўйилар эди. Энди инвестиция мажбуриятлари белгиланиб, мазкур зоналарнинг дирекциялари томонидан чиқарилади. Шунингдек, инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилгандан кейин аукцион орқали олинган объектларни хусусийлаштиришга рухсат берилади.

Буларнинг ҳисобига саноат зоналарига лойиҳаларни жойлаштириш жараёнидаги босқичлар сони камайиб, бунга кетадиган вақт 3 ойдан 1 ойгача қисқаради.

Президентимиз кичик саноат зоналарида узоқ йиллардан бери фаолият юритиб келаётган тадбиркорларнинг ер ва бино-иншоотлари билан боғлиқ масалаларини ҳал қилиш бўйича ҳам топшириқ берди.

Маҳсулотларнинг экспортбоглигини, халқаро стандарт ва истеъмолчи талабларига мослигини таъминлаш учун айрим саноат зоналарини хорижий компанияларга бошқарувга бериш, улардан инвесторларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳокимлар ҳисобот берди, тадбиркорлар таклифларини билдирди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2022 йил 14 май

№ 6

Тошкент шаҳри

Жиноят ишларини биринчи инстанцияда қўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида

Судларда жиноят ишларини биринчи инстанцияда муҳокама қилишга тайёрлаш ва дастлабки эшитув ўтказиш тартиби бўйича масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда жиноят-процессуал қонуни бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори жиноят ишларини биринчи инстанцияда муҳокама қилишга тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) 49 ва 49¹-бобларида назарда тутилган талабларга қатъий риоя этиш зарурлигига қаратилсин.
2. ЖПК 396-моддасига мувофиқ, жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан куйидаги ҳолатларни аниқлаши шарт:


(Давоми 2-бетда) ►

Мамлакатимизда тадбиркорлар ва ишбилармонлар эркин фаолият юритиши, ўз салоҳият ва имкониятларини тўлиқ рўйга чиқариши учун ҳуқуқий асослар ва зарур шароит яратиб берилаётгани янги корхоналар ташкил этиш ва мавжудларининг фаолиятини янада кенгайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бунинг натижасида ташкил этилаётган янги иш ўринлари тўғрисида кўп миқдорда иш, хотин-қизлар ишли, даромадли бўлмоқда.

Шарҳ

Мақсад – молиявий соғломлаштириш

янги қонун тадбиркорлик субъектларини тузатиши эмас, тиклашни таъминлашга хизмат қилади



Бозор иқтисодиёти шароитида янги корхоналарнинг сони ортган сари улар орасида тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушиб қоладиган корхона ва ташкилотларнинг ҳам учраб туриши табиийдир. Албатта, тўловга қобилиятсиз корхоналарни

туғатиб юбориш осон, лекин ходимларнинг иш ўрнини йўқотиши, ҳамкор ташкилотлар ўртасида низола, улар фаолиятига турлича салбий таъсирлар муайян ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

(Давоми 3-бетда) ►

Мозийдан садо

Темурийлар элчилари Чин ҳоқони ҳузурда



Маълумки, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихи олис асрларга бориб тақалади. Темурийлар ҳукмронлиги даврида Хитой билан дипломатик алоқалар янада мустаҳкамланган. 1419 йилнинг 4 декабрида Ҳиротдан Шохруҳ Мирзонинг амир Шодихўжа ва Кўкча бошчилигидаги элчилари йўлга тушади. Уларга Бойсунгур Мирзонинг Султон Аҳмад ва Фиёсуддин Нақшош бошчилигидаги элчилари ҳам қўшилади.

(Давоми 4-бетда) ►

Парламент фаолияти



Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади

Мажлисида дастлаб "Солиқ маслаҳати оид фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу янги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш ва ишчи гуруҳ йиғилишларида муҳокама қилиш жа-

раёнида депутатлар, мутахассислар билдирган фикр ва таклифлар инобатга олиниб, лойиҳага тегишли ўзгариш ва қўшимчалар, бир қатор тахририй тузатишлар киритилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Ҳуқуқий маърифат

Етказилган зарар учун моддий жавобгарлик

қонуний асослар ва зарарни қоплаш тартиби

Мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг вайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнат шартномасининг тузилиши тарафлар учун муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келишига асос бўлади. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган.

Ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий



жавобгарлиги ҳусусида сўз борганда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида етказилган зарарни тўлаш мажбурияти, унинг миқдори, тартиби ва муддатлари белгилаб қўйилганини таъкидлаш лозим.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 185-197-моддаларида меҳнат шартномасининг бир

(Давоми 3-бетда) ►

Олтиариқлик Баҳодир Жиянбоев 2011 йилда туман ички ишлар бўлимида иш фаолиятини бошлаган пайтда келажақда садоқат билан хизмат қилиш ва шу орқали жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишни дилига тукканди.

У ана шундай эзгу ниятлар билан меҳнат фаолиятини бошлади. Кейинчалик — 2013 йил 28 декабрда намунали хизмати учун Риштон тумани ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида катта инспектори лавозимига ўтказилди.

Шундан сўнг Б.Жиянбоев рисоладагидек фаолият юритиб келаётганди. Аммо орадан икки йил ўтиб, кутилмаганда, бошига жиддий ташвиш тушди. Яъни Фарғона вилояти ИИБ бошлигининг 2015 йил 6 декабрдаги 72-ШТ-сонли буйруғи билан вазифа-

Қонун талаби

ОРТДА ҚОЛГАН НОҲАҚЛИК

ходим етти йилдан сўнг ўз ишига тикланди

сидан озод қилинди. Мазкур буйруққа Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 16-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизматни ўташ ҳақида"ги Муваққат Низомнинг 69-моддаси талабларини бузгани, Фарғона вилояти ИИБнинг 2015 йил 28 ноябрдаги хизмат текшируви хулосаси ва Риштон тумани ИИБнинг тақдимномаси асос сифатида келтирилди.

Буни қарангки, вақт ўтиши билан вазият янада жиддий тус олади. Аниқроғи, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Тергов якунига кўра, Б.Жиянбоевга Риштон тумани ИИБ паспорт бўлимида бошлиғи капитан С.Исмоилов, "Халқ банки"нинг Риштон тумани филиали махсус кас-

са кассири И.Аминов ҳамда "Миллий банк"нинг Риштон тумани филиали махсус касса кассири У.Мамасидиқов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2014-2015 йилларда фуқаролар томонидан тўланган жами 27,9 миллион сўм жарима пулини банк муассасасига топширмасдан ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиш айби қўйилади.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2016 йил 15 мартдаги ҳукмига асосан Баҳодир Жиянбоев Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми а, в, г-бандлари билан айбдор деб топилди ва у кодекснинг 45-моддаси доирасида икки йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларда ҳамда ички ишлар идораларида ишлаш ҳуқуқи-

дан маҳрум этилган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланади.

Бироқ Б.Жиянбоев ўзини айбсиз деб билади. Бинобарин, у суд ҳукмида норози бўлиб, апелляция шикояти берди. Лекин жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди кассация инстанциясининг 2018 йил 21 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилди. Шу боис судланувчи кейинги галда Олий судга мурожаат қилади. Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг 2020 йил 1 июлдаги ажримига биноан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг юқоридаги ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кассация тартибда кўриш учун юборилди.

(Давоми 3-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишга “Солиқ маслаҳати тўғрисида” деган ном билан киритилган эди. Солиқ маслаҳати фаолият тури бўлгани, киритилаётган нормалар фаолиятга оидлиги сабаб кўплаб депутатлар таклифига асосан ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қонун лойиҳаси номи ўзгартирилди.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан малака сертификатини олиш учун талабгорга камида беш йил иш стаж, жумладан, иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажы талаби енгиллаштирилиб, икки йил қилиб белгиланмоқда.

Бундан ташқари бир хизмат учун икки маротаба ҳақ тўла-нишининг олдини олиш мақсадида тест синовларини ўтказишга ихтисослашган юридик шахсларга малака имтиҳони ўтказишда хизмат ҳақи талабгорлар ҳисобидан қопланиши тўғрисидаги меъёр чиқариб ташланди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси самарали фаолият кўрсатадиган солиқ маслаҳатчилари институтини шакллантиришга, солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, солиқ тўловчиларга малакали солиқ маслаҳати хизматлари кўрсатилишини таъминлашга хизмат қилади.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси қайтарилди

Депутатлар “**Электрон далиллар билан ишлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқишди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан электрон далилларга қандай ҳужжатлар ва маълумотлар киритилиши белгиланмоқда. Хусусан, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, инотасвирилган иборат маълумотлар электрон далиллар ҳисобланиши на-

зарда тutilмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши процессуал қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш, янги институтларни жорий этиш, одил судлов сифатини ошириш, суд иш юритувини тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Мажлисада депутатлар томонидан лойиҳа юзасидан айрим эътирозлар ҳам билдирилди. Ундаги айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар айтилди. Билдирилган фикрлар инобатга олинган ҳолда қонун лойиҳаси масъул кўмитага қайтарилди.

Янги қонун лойиҳаси оврагарчиликларнинг олдини олади

Депутатлар “**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида**”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқишди.

Ҳозирги пайтда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги ишлар вилоят марказларида жойлашган туманлараро маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудларнинг географик нуқтаи назардан бири-бирдан узоқлиги сабабли маълум қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятида маъмурий ишлар бўйича ягона туманлараро суди мавжуд бўлиб, у Нурафшон шаҳрида жойлашган. Ички ишлар органлари муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва тасдиқловчи материаллари 50-60 километр узоқликда жойлашган маъмурий ишлар бўйича Нурафшон туманлараро судига тақдим қилади. Шунга ўхшаш ҳолатни бошқа ҳудудларда ҳам кузатиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги ишларни кўриш ваколати маъмурий судлардан олиниб, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ваколатига бериш назарда тutilмоқда.

Мажлисада қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ҳукукий бўшлиқлар бартараф этилмоқда

Мажлисада “**Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов жараёни тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида**”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси янги маъмурий-худудий бирликлар ташкил этилиши ёки маъмурий-худудий бирликлар чегаралари ўзгартирилиши муносабати билан сайлов округлари чегаралари ўзгарганда ушбу сайлов округларидан сайланган депутатларнинг ваколатлари ва янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликларда сайловларни ўтказиш билан боғлиқ айрим ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳаси билан 1 та кодекс ва 2 та қонунга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Жумладан, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунда сайлов округининг ҳудуди бошқа маъмурий-худудий бирлик таркибига ўтказилганда ёки унинг ҳудудида янги ҳудудий бирлик ташкил этилганда, ушбу сайлов округларидан сайланган депутатнинг ваколатлари мuddати тугатилмаслиги, депутатнинг ваколатлари мuddати эса, мазкур халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг ваколатлари мuddатига мувофиқ бўлиши назарда тutilмоқда.

Бундан ташқари Сайлов кодексига янги ташкил этилган вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказиш учун сайлов округлари сонини белгилаш, янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликларда сайловни ўтказиш бўйича тегишли сайлов комиссиялари ҳамда сайлов округларини тузиш билан боғлиқ янги қондалар белгиланмоқда.

Депутатлар томонидан қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Иш мазкур суднинг судловига тегишлими;

ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарлими; суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ЖПК талабларига риоя қилинганми;

айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми; жиноят оқибатида етказилган мулкий зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганми;

айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ЖПК талабларига мувофиқ тузилганми;

дастлабки эшитув ўтказиш учун асослар борми.

Судья, шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши ҳолисона, ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиниши таъминлаш мақсадида ушбу масалалар бўйича қонунда назарда тutilган процессуал қарорлар қабул қилиниши ва ҳаракатлар бажарилишига зарурат бор-йўқлигини аниқлайди.

3. Судья ЖПК 395-моддасининг биринчи қисмига кўра, жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаш чоғида қонуннинг ушбу нормасида назарда тutilган ажримлардан бирини ёки ишнинг дастлабки терговда йўл кўйилган техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

4. Тушунтирилсинки, жиноят ишини судловга тегишлилик қондаларига риоя этган ҳолда бошқа судга ўтказаетганда, суд зарурат бўлганда, эҳтиёт чораси тўғрисидаги масалани ЖПК 395-моддасига мувофиқ, чиқариладиган ажримда ҳал этиши мумкин.

Жиноят иши судловга тегишлилиги бўйича юборилганда, ЖПК 396-моддаси биринчи қисмининг 2, 3, 5 - 7-бандларида кўрсатилган масалалар суд томонидан ҳал этилмайди.

5. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида судья ЖПК 396-моддасининг 4-бандига амал қилган ҳолда, иш бўйича арз қилинган илтимосномалар бор-йўқлигини аниқлаши лозим. Бунда фақат асосланган, текширишни талаб этмайдиган (масалан, ишда ҳимоячи иштирок этишига рұхсат бериш тўғрисидаги, судга қўшимча гувоҳларни чақиритиш тўғрисидаги, ҳужжатлар талаб қилиб олиш тўғрисидаги, хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги ва ҳоказо) илтимосномалар қаноатлантирилиши мумкин.

Судьянинг ҳар бир арз қилинган илтимоснома бўйича қарори ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги ажримда акт эътирилади.

6. Ишни суд мажлисида кўриб чиқиш учун асос етарлилиги тўғрисидаги масалани ЖПК 396-моддасининг 2-бандига мувофиқ, ҳал қилиш чоғида, судья ЖПК 82-моддасида назарда тutilган талаблардан келиб чиқиши лозим. Уларга кўра, суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан иш бўйича қуйдагилар аниқланган бўлиши керак:

жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиёнининг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

жиноят содир этилган вақт, жой, усул, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар;

қилмиш ва келиб чиққан ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

жиноят ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги;

жиноят сабаблари ва мақсадлари; айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Суриштирув ёки дастлабки тергов органи томонидан ушбу талаблардан бирортаси бажарилмаган тақдирда, иш бўйича дастлабки эшитув ўтказиш учун асослар мавжуд бўлади.

7. Судья ЖПК 396-моддасининг 3-бандига мувофиқ, суриштирув ва дастлабки терговини юритиш чоғида жиноят ишини кўзғатиш ва юритиш асослари ҳамда тартибини белгиловчи ЖПК талабларига риоя этилганлигини аниқлаши зарур.

Жиноят-процессуал қонунини нормалари жиддий бузилганлиги (масалан, бошқа шахсга нисбатан янги айблов бўйича ажратилган материаллар бўйича жиноят иши кўзғатмасдан суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказилганлиги), суд томонидан суд муҳокамаси чоғида бартараф этиб бўлмайдиган бошқа қоидабузарликлар (масалан, ЖПК 76-моддасида назарда тutilган асосларга кўра рад этилиши лозим бўлган суриштирувчи, терговчи томонидан процессуал ҳаракатлар амалга оширилганлиги, суриштирув ёки тергов гуруҳига киритилмаган шахс томонидан суриштирув ёки дастлабки тергов амалга оширилганлиги ва ҳоказо), шунингдек, ЖПК 405¹²-моддасининг биринчи қисмида назарда тutilган ҳолат-

лар аниқланса, иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилиши керак.

8. Судларга тушунтирилсинки, ишни судда муҳокама қилиш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган муҳим ҳолатлардан бири айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганлиги тўғрисидаги масала ҳисобланади.

Эҳтиёт чораси ўзгартирилганда судьянинг ажримда бундай қарор қабул қилиш заруратини тасдиқловчи далиллар ва важлар келтирилган асослар кўрсатилиши лозим.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидagi эҳтиёт чораси бекор қилинган ёхуд ўзгартирилганда қамоқда ёки уй қамоғида бўлган шахс дарҳол озод қилиниши керак (уй қамоғи қамоққа олиш тарзидagi эҳтиёт чорасига ўзгартирилган ҳоллар бундан мустасно).

9. ЖПК 396-моддасининг 5-банди ва 398-моддасига мувофиқ, судья жиноят оқибатида етказилган мулкий зарар қопланишини таъминлайдиган чораларни кўришга ҳақли.

Жиноят иши материалларида ёки тараф тақдим этган материалларда айбланувчида хатлаб қўйилиши мумкин бўлган пул маблағлари, қимматликлар ёки бошқа мол-мулк мавжудлиги тўғрисида маълумотлар йўқлиги даъвони таъминлаш чоралари бевосита суд томонидан қўлланилиши имкониятини истисно этса, судья ажрим билан зарур чоралар кўриш мажбуриятини суриштирувчи ёки терговчига юклайди. Бундай ҳолларда суднинг ажримини жон эйтиш мuddати, ЖПК 405-моддасининг биринчи қисми мазмунидан келиб чиқиб, ўн суткадан ошмаслиги лозим.

10. Жиноят ишини ЖПК 401¹-моддасида кўрсатилган асосларга кўра прокурорга юбориш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда, суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликлар деганда, жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор, айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси, шунингдек, тибиий йўсиндаги мажбурулов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор ёзувида йўл қўйилган хатолар, ҳарфий хатолар ва арифметик хатолар тушунилади.

11. Ишни ЖПК 403-моддасига мувофиқ, суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича судья кўриши лозим бўлган бошқа чораларга, шунингдек, қамоқда ёки уй қамоғида сақланаётган шахслар судга олиб келинишини таъминлаш, ишда иштирок этишга таржимонни жалб этиш, хавфсизлик чораларини таъминлаш, суд мажлисини видеоқонференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш киради.

12. Иш суд муҳокамасига тайинлангандан сўнг судья ЖПК 402-моддасида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг, шунингдек, ишга янғидан киришган ҳимоячининг, жабрланувчи вакилининг илтимоси бўйича, уларга иш билан танишиш учун иш материаллари ҳажмини ҳисобга олиб, оқилона мuddат белгилаган ҳолда, имконият яратиши шарт.

Иш материаллари билан танишиб чиққанлик тўғрисида илтимоснома берган шахсдан тилхат олиниб, у ишга қўшиб қўйилади.

13. Суд ЖПК 405³-моддасининг иккинчи қисмида назарда тutilган асослар мавжуд бўлганда, иш бўйича тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради.

14. Тушунтирилсинки, ЖПК 395 ва 405¹¹-моддалари мазмунига кўра, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчи томонидан айблов далолатномаси ёки айблов хулосасининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан уч сутка ичида берилиши мумкин. Бундай ҳуқуқи борлиги тўғрисида айбланувчига прокурор томонидан айблов далолатномаси ёки айблов хулосасининг кўчирма нусхаси топширилаётган пайтда тушунтирилади.

Судья айблов далолатномаси ёки айблов хулосасининг кўчирма нусхаси айбланувчи томонидан олинган кундан эътиборан уч сутка ўтгандан сўнг бериладиган дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани, башарти илтимоснома бериш мuddати ўтказиб юборилиши сабаблари узрли эмас деб топилса, рад этишга ҳақли.

Жиноят иши суд муҳокамасига тайинлангандан сўнг дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида берилган илтимоснома ҳам рад этилиши лозим.

15. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ЖПК 405⁶-моддасида белгиланган тартибда ўтказилиши лозим.

Дастлабки эшитув судья томонидан дастлабки эшитув тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилган пайтдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай бошланиши ва унинг давомийлиги ўн суткадан ошмаслиги керак.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, дастлабки эшитув ўтказиш мuddатларини узайтириш қонунда назарда тutilмаган.

16. ЖПК 405⁷ ва 410-моддаларига мувофиқ, судья қуйдаги ҳолларда жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради, агар: айбланувчи яширинган бўлса ва унинг турган жойи маълум бўлмаса;

айбланувчи оғир ва давомли касалликка чалинган бўлиб, бу ҳолат унинг суд мажлисида иштирок этишига тўсқинлик қилса.

Айбланувчи яширинган бўлиб, унинг турган жойи маълум бўлмаса, судья иш юритишни тўхтатиб туриш билан бир вақтда унга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш тўғрисида ажрим чиқаради. Айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилинганлиги муносабати билан юритилиши тўхтатилган жиноят иши суд ажримини ижро этиш учун айблов далолатномаси ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга юборилади.

Иш юритишни тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг жиноят иши бўйича иш юритиш қайта тикланади ва бу ҳақда судья ажрим чиқаради.

17. Судларга тушунтирилсинки, бир неча айбланувчидан фақат биттасига нисбатан жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш учун асослар мавжуд бўлганда, бошқаларига нисбатан жиноят иши муҳокамаси давом эттирилади. Бу қоида суд томонидан иш юритиш тўхтатиб турилган айбланувчи иштирокисиз ишни кўриб чиқиш имконияти йўқ деб топилган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

18. Судларга тушунтирилсинки, ЖПК 83-моддасида, 84-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган иш юритишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, судья ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида ишни тўлиқ ёки қисман ёхуд айрим айбланувчиларга нисбатан тугатиши, шунингдек, айбловнинг айрим эпизодларини чиқариши лозим.

Жиноий жавобгарликка тортиш мuddати ўтиб кетганлиги муносабати билан ёки амнистия тўғрисидаги акт асосида ишни тугатиш масаласини ҳал этиш чоғида шуни назарда тутиш лозимки, мазкур асослар бўйича ишни тугатиш, фақат иш материалларида ёки тараф тақдим этган материалларда айбланувчи бунга розилиги мавжуд бўлганда, мумкин бўлади.

ЖПК 84-моддасининг бешинчи қисмида назарда тutilган асослар мавжуд бўлганда, судья ишни тугатишга ҳақли.

Ишни тугатиш чоғида суд қўлланилган эҳтиёт чораларини, фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини бекор қилади ҳамда ашёвий далиллар тўғрисидаги масалани ҳал этади.

19. Шуни назарда тутиш лозимки, дастлабки эшитув чоғида жиноят ишини суд томонидан мазмунан кўриб чиқиш ва қонуний, асосланган, адолатли қарор қабул қилиш учун тўсқинлик қиладиган процессуал қонуннинг жиддий бузиллиши аниқланганда, иш ЖПК 405¹²-моддасига мувофиқ, прокурорга юборилади. Бундай камчиликларга, хусусан, қуйдаги ҳоллар киради, агар:

айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси ЖПК талаблари бузилган ҳолда тузилган бўлса;

тибиий йўсиндаги мажбурулов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор билан бирга судга юборилган жиноят иши бўйича айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тузиш зарурати бўлса;

жиноят ишларини бирлаштириш учун ЖПК 332-моддасида назарда тutilган асослар мавжуд бўлса;

айбланувчи жиноят иши материаллари билан танишаётганда унга ЖПК 375 ва 381¹⁹-моддаларида назарда тutilган ҳуқуқлар тушунтирилмаган бўлса;

айблов далолатномасида ёки айблов хулосасида, жиноят ишини тибиий йўсиндаги мажбурулов чорасини қўллаш учун судга юбориш тўғрисидаги қарорда баён этилган ҳақиқий ҳолатлар айбланувчининг, ўзига нисбатан тибиий йўсиндаги мажбурулов чорасини қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахсининг хатти-ҳаракатларини оғирроқ жиноят, ижтимоий хавfli қилмиш сифатида квалификация қилиш учун асослар мавжудлигидан далолат берса ёки бундай ҳолатлар мавжудлиги дастлабки эшитув жараёнида аниқланган бўлса.

20. Жиноят ишини ЖПК 405¹²-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида назарда тutilган асосларга кўра прокурорга юборишда судья ўз ажримда айбланувчининг, ўзига нисбатан тибиий йўсиндаги мажбурулов чорасини қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахсининг хатти-ҳаракатларини оғирроқ жиноят, ижтимоий хавfli қилмиш сифатида тавсифлаш учун асос бўлган ҳолатларни кўрсатиши шарт. Айни пайтда, судья ажримда қуйдагиларни

кўрсатишга ҳақли эмас:

жиноятни ёки ижтимоий хавfli қилмишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян қайси моддаси билан квалификация қилиш лозимлигини;

далилларни баҳолаш ва айбланувчининг айбдорлиги тўғрисида хулоса қилишга.

Судья жиноят ишларни прокурорга юборишда барча ҳолларда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғрисидаги, зарурат бўлганда эса, уни қамоқда сақлаш мuddатини ЖПК 245-моддасида назарда тutilган мuddатларни инобатга олган ҳолда узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал этиши шарт.

21. Дастлабки эшитув давомида бир неча шахсни айблаш бўйича ёки бир шахсни бир неча жиноятни содир этишда айблаш бўйича жиноят ишларини битта иш юритувга бирлаштириш учун асослар аниқланганда, судья тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят ишларини ЖПК 395-моддаси талабларига риоя этган ҳолда битта иш юритувга бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

22. Судларга тушунтирилсинки, ЖПК 405¹¹-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, дастлабки эшитув вақтида айбланувчи, ҳимоячи, давлат айбловчиси жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли.

Илтимосномада қуйдагилар кўрсатилиши керак:

тараф чиқариб ташланишини илтимос қилаётган далил;

далилни номақбул деб топиш ва чиқариб ташлаш учун ЖПКда назарда тutilган асослар.

Илтимосноманинг кўчирма нусхаси, у ким томонидан киритилганлигидан қатъий назар, айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга, шунингдек, жабрланувчига илтимоснома судга тақдим этилган кунда юборилади.

Агар далилни чиқариб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома ЖПК 405¹¹-моддасининг тўртинчи қисми талабларига жавоб бермаса, судья уни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради ва иш бўйича суд муҳокамаси тайинлайди. Бунда судья арз қилувчига шундай илтимоснома билан суд муҳокамаси давомида судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиради.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жорий йил 12 апрель кунин қабул қилинган "Тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида"ги қонун соҳадаги изчил ислохотларнинг маънавий давоми бўлди. Ушбу қонун Президентимизнинг 2019 йил 20 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган тегишли "Йўл харитаси", Харакатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илгари тўловга қобилиятсизлик масалалари "Банкротлик тўғрисида"ги қонун билан тартибга солиб келинган.

Албатта, ривожланиш бўлган жойда янги муносабатлар вужудга келади. Бу, ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бугунги кун талабидан келиб чиқиб, такомиллаштиришни тақоза этади.

Шу нуқтаи назардан, "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушиб қолган тадбиркорлик субъектларини тугатиб юборишни эмас, балки молиявий соғломлаштириш ҳамда соҳада вужудга келадиган янги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Айтиш керакки, янги қонунда корхонага нисбатан соғломлаштириш таомилларини қўллашни рағбатлантириш мақсадида вақтинчалик ҳамда доимий тўловга қобилиятсизлик қоидалари, жорий солиқ тўловларини тўхтатиб туриш, кредит маблағларини жалб этиш бўйича норма қилирипти. Бунда корхона кредиткорлик қарзи миқдоридан қатъи назар, ўз мажбурият-

ларини камида 3 ой давомида бажармаганда, у вақтинча тўловга қобилиятсиз деб топилади ва унга дастлаб соғломлаштириш таомиллари қўлланилади.

Агар охириги ҳисобот йили давомида қарздор корхонанинг мажбуриятлари унинг активла-

ўтказиш орқали ўз талабини қаноатлантириш имкониятларини яратилмоқда. Бу эса, кредиткорлик қарзларини қисқалтириш имконияти ҳам беради.

Бундан ташқари янги қонунда тўловга қобилиятсизлик ҳолатида ҳам қарздор фаолия-

ҳаракатлари натижасида вужудга келганда, уларни қарздорнинг қопланмаган қарзи бўйича субсидиар жавобгарликка тортиш имконияти ҳам яратилмоқда.

Қонундаги муҳим янгилıklarдан яна бири адвокатларга ишларда суд бошқарувчиси

роқ айтганда, қарздорнинг баъзи хисоблаш миқдорининг камида икки юз баробари (ҳозирда 54 миллион сўмлик) миқдорда кредиткорлик қарзи 3 ой давомида тўланмагани тўловга қобилиятсизлик аломати сифатида эътироф этилиши белгилаб қўйилди.

Қолаверса, тўловга қобилиятсиз деб топилган жисмоний шахснинг кредиткорлик қарзи 3 йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш ёки унинг мулкни сотиш орқали қопланиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, янги қонунда улуш киритиш асосида қурилган уй-жойларни харид қилган мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида қурувчиларни тўловга қобилиятсиз деб топишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ўз ифодасини толган.

Хусусан, қурувчига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилганда, қурилиш тугалланмаган объектлар кредиткорлар йиғилиши қарори асосида ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотига қурилиш ишларини тугаллаш учун топширилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ушбу янги қонун ўз вақтида қабул қилингани билан катта аҳамиятга эга. Зотан, у тўловга қобилиятсизлик ҳолатидаги корхоналарга нисбатан соғломлаштириш таомилларини қўллаш орқали уларнинг фаолиятини сақлаб қолишга, дебитор ва кредиткорлик қарздорликлар қисқаришига ҳамда мамлакатимизнинг халқаро рейтингларда ўрни янада ошишига хизмат қилади.

Комилжон ЭРНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Шарҳ

Мақсад — молиявий соғломлаштириш

янги қонун тадбиркорлик субъектларини тугатиш эмас, тиклашни таъминлашга хизмат қилади

ридан доимий равишда ошган бўлса, у доимий тўловга қобилиятсиз деб топилади. Шу боис унга корхона тугатиш таомиллари қўлланилади.

Кредиторлик қарзлари қайтарилишини таъминлаш мақсадида қарздор мулкни бир неча маротаба такрорий аукционга чиқариш, мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич 50 фоизгача пасайтириш, маблағларнинг қарзни қоплашга йўналтирилган қисмини қўшилган қиймат ва даромад солигидан озод этиш, кредиторга қарздордан талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга

тини давом эттириши учун зарур шартномалар ижроси таъминлашни белгиланмоқда. Шунингдек, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунча қарз 3 йил давомида қарздор корхона томонидан тўзилган шартномалар суд томонидан Фуқаролик кодексига қўшилган асослар бўйича ҳақиқий эмас, деб топилиши белгилаб қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, тўловга қобилиятсизлик қарздор муассиси ёки унинг мулки эгаси ёхуд охириги 3 йил давомида уни бошқарган шахснинг файриқонуний

сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилмаётганидир. Бу ўз навбатида, суд бошқарувчиси ҳуқуқлари кенгайтирилиб, Давлат хизматлари агентлиги орқали кўрсатиладиган давлат хизматларидан ҳақ тўламадан фойдаланиш, қарздорнинг мулкни, ҳисобварақлари ва депозитлари ҳақида давлат органларидан бепул маълумот олиш, шартнома асосида мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқи берилиши белгилаб қўйилди.

Энг асосийси, янги қонун билан жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш институти жорий этилмоқда. Аниқ-



Ҳуқуқий маърифат

Етказилган зарар учун моддий жавобгарлик

қонуний асослар ва зарарни қоплаш тартиби

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Меҳнат шартномаси иштирокчилари ўртасида юзага келадиган моддий жавобгарликка оид масалалар Меҳнат кодекси билан бирга Вази́рлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Ҳодимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари" ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Моддий жавобгарлик муносабатларини тартибга солинишида корхона ва ташкилотларнинг бевосита ўзида ишлаб чиқилган ички меъёрий ҳужжатлар, жумладан, низоомлар, моддий жавобгарлик ҳақидаги ёзма шартномалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларда корхона, тармок, касб — вазифанинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинган муайян талаб ва қоидалар назарда тутилади.

Шунингдек, бу борада амалдаги Фуқаролик кодекси ва бошқа фуқаролик қонун ҳужжатлари ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 985-моддасида зарар етказишдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг умумий принциплари белгилаб қўйилган ва бу принциплар меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган моддий жавобгарлик муносабатларига ҳам тааллуқлидир. Жумладан, ушбу модда талабига кўра, файриқонуний ҳаракат ё ҳаракатсизлик туфайли фуқаронинг шахсига етказилган, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Бундан ташқари қонунда зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга ҳам юқлатилиши ҳам белгиланган. Шу билан бирга, қонун ҳужжатлари ёки шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари тоvon тўлаш мажбурияти ҳам белгилаб қўйилган.

Зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади.

Ҳодимга етказилиши мумкин бўлган зарар етказиш предмети доираси куйидагилардан иборат:

етиши, яъни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, шикастланишлар, касб касаллигига чалиниши туфайли меҳнат қилиш имкониятининг чекланиши, даволаш ва соғлигини тиклаш билан боғлиқ қўшимча моддий харажатлар қилиниши;

в) ходимнинг ишлаб чиқариш сабаблари билан вафот этиши натижасида унинг қарамоғида бўлган шахслар боқувчисиз қолгани туфайли кўрган зарарлари;

г) ходимнинг мол-мулк, ўзга мулккий манфаатларига етказилган зарар;

д) ходимга етказилган маънавий зарар учун товон;

е) соғлиқга зарар етганида ходимга ёки ходим вафот этган ҳолларда оила аъзоларига бериладиган бировўла тўлов пули.

Ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан файриқонуний равишда маҳрум этилгани натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, унинг оила аъзоларига етказилган ҳар қандай зарар, шу жумладан, маънавий зарар иш берувчи томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади.

Ходим иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек, иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келадиган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади.

диган нафақа тўлашдан иборатдир. Касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ва жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланади. Зарар ўрнини қоплаш учун тўловларни тайинлашда жабрланувчи олаётган иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди.

Бунда меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар — ноғиронлиги бўлган шахсларга зарарни қоплаш учун тўланадиган пул миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 17,6 фоизидан оз бўлиши мумкин эмас.

Ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этса, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, ўн олти ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан кейин тутилган фарзандига, шунингдек, ота-онасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар у ишлагандан марҳумнинг уч ёшга етмаган болалари (укалари, сингиллари) ёки неваларларининг парвариши билан банд бўлса, зарарни тўлаб бериши шарт.

Ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунгача, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳуқуқига эгадир.

Бундан ташқари боқувчиси вафот этгани муносабати билан зарарни қоплашга бўлган ҳуқуқ хотин ё эрнинг янгидан никоҳ тузган ҳолатларида ҳам сақланиб қолади. Вафот этганининг вояга етмаган болалари бошқа шахс томонидан фарзандликка олинганда ҳам уларнинг зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўланадиган зарар миқдори марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин зарарни ундиришга ҳақли бўлмаган меҳнатга қобилиятсиз шахсларнинг улушини чегириб ташлаган ҳолда белгиланади.

Зарар тўловини олишга ҳақли бўлган шахсларнинг ҳар бирига тегишли бўлган зарар миқдорини аниқлаш учун боқувчи иш ҳақининг мазкур шахсларнинг ҳаммасига тўғри келадиган қисми улар сонига нисбатан тақсимланади.

Агар вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахслар ҳам, унинг қарамоғида бўлмаган шахслар ҳам айни бир вақтда зарар тўловини олишга ҳақли бўлса, бундай ҳолда зарар тўловлари миқдори аввало марҳумнинг қарамоғида бўлмаган шахсларга берилади. Улар учун белгиланган зарар тўлови суммаси боқувчининг иш ҳақидан чегириб ташланади, сўнгра иш ҳақининг қолган миқдоридан келиб чиқиб марҳумнинг қарамоғида бўлган шахслар учун қопланадиган зарар миқдори аниқланади.

Ходим соғлиғига шикаст етказилгани ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бировўла бериладиган нафақанинг миқдори жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Бунда ходим соғлиғига шикаст етказилгани муносабати билан бировўла бериладиган нафақанинг миқдори жабрланувчининг йиллик иш ҳақидан, ходим вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори эса, марҳумнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Вази́рлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Ҳодимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари" 30-бандига мувофиқ, соғлиққа шикаст етгани туфайли бировўла бериладиган нафақа олингандан кейин ходим меҳнат билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши муносабати билан вафот этган тақдирда, иш берувчи вафот этганининг камида бешта ўртача йиллик иш ҳақи миқдоридан бировўла бериладиган нафақа тўлаши шарт.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ходимга етказилган зарарни ундириш тартибининг қонунийликда аниқ белгилаб қўйилгани инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафолати ҳисобланади.

Амина ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Судьялар олий мактаби тингловчиси

Қонун талаби

ОРТДА ҚОЛГАН НОҲАҚЛИК

ходим етти йилдан сўнгра ўз ишига тикланди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Натижада Андижон вилояти судининг 2021 йил 17 мартдаги ажримига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2016 йил 15 мартдаги ҳукми ўзгартирилди, Б.Жиянбоевнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "а, в, г" бандларидан кодекснинг эски тахрирдаги 168-моддаси 2-қисми "б, в" бандларига қайта малакаланиб, қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилди.

Табиийки, Баҳодир Жиянбоевни ушбу ажрим ҳам қониқтирмади. Шунинг учун у юқори инстанцияга мурожаат қилишда давом этади. Шундан сўнгра Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 14 июндаги ажрими асосан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди кассация инстанциясининг 2018 йил 21 июндаги ва Андижон вилояти судининг 2021 йил 17 мартдаги ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилди.

Ва ниҳоят, адолат қарор топди. Яъни Фарғона вилояти суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 20 сентябрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2016 йил 15 мартдаги ҳукмининг Б.Жиянбоевга нисбатан қисми бекор қилиниб, у айбсиз деб топилиб, оқланди.

Шундан сўнгра Б.Жиянбоев ишга тиклаш масаласида Ички ишлар вази́рлигига мурожаат қилди. Лекин унинг аризаси қаноатлантирилмади. Бинобарин, у Фарғона вилояти ИИБ бошлигининг 2015 йил 6 декабрдаги 72-ШТ-сонли буйруғини бекор қилиб, ўзини аввалги ишга тиклашни ҳамда мажбурий прогул учун иш ҳақи ва маънавий зарарларни ундириб беришни сўради.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2021 йил 17 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан унинг даъвоси рад қилинди. Шундан сўнгра у апелляция шикоятини билан мурожаат қилди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 396-моддасига кўра, суд ишни апелляция тартибида кўраётганда суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Апелляция суди мажлисида жавобгар вакили, Б.Жиянбоев хизмат текшируви хулосасига асосан ишдан бўшатирилганини таъкидласа-да, унинг касб маданиятини бузганини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслигини баён қилди. Шундай экан, Б.Жиянбоевнинг ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 399-моддасига мувофиқ, суд ишни апелляция тартибида кўриб чиққач, ўз ажрими билан ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал

қилув қарорини ўзгартиришга ёки ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли. Кодекснинг 399-моддасида иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, суднинг ҳал қилув қароридан баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, моддий ҳуқуқ нормаларининг ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги суд ҳужжатини апелляция тартибидан бекор қилишга ёки ўзгартиришга асос бўлиши белгиланган. Ана шу асосларга таянган Фарғона вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судини ушбу иш юзасидан 2021 йил 17 ноябрда қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги ҳал қилув қарори қабул қилди. Унга биноан, Б.Жиянбоевнинг даъвоси қаноатлантирилиб, Фарғона вилояти ИИБ бошлигининг 2015 йил 6 декабрдаги 72-ШТ-сонли буйруғи ноқонуний деб топилиб, бекор қилинди. Энг муҳими, Баҳодир Жиянбоев Риштон тумани ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳи катта инспектори лавозимига ишга тикланди. Қолаверса, унинг фойдасига жавобгардан мажбурий прогул юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳам белгиланди.

Ўз навбатида, жавобгар апелляция ажримидан норози бўлиб, Олий судга кассация тартибида шикоят қилди. Олий суднинг кассация инстанцияси Фарғона вилояти судининг апелляция судлов ҳайъати Жиноят процессуал кодексининг 304 ва 309-моддаларига асосан биринчи касб судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, Б.Жиянбоевнинг ишга тиклаш ҳамда мажбурий прогул учун моддий ҳамда маънавий зарарларни ундириб тўғри, қонуний хулосага келганини аниқлади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 419-моддасида кассация инстанциясининг суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгартириш, кассация шикоятини (протестини) қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақли экани қайд этилган. Шу боис Олий суд кассация инстанцияси кассация шикоятини қаноатлантирмасдан, Фарғона вилояти судининг 2022 йил 18 январдаги ажримини ўзгартиришсиз қолдириш хусусида ажрим чиқарди.

Мана шу тарихи Б.Жиянбоевнинг бузилган ҳуқуқи етти йил деганда тикланди. Бу Президентдан бўшатиш ҳақидаги буйруғини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 399-моддасига мувофиқ, суд ишни апелляция тартибида кўриб чиққач, ўз ажрими билан ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал

Раҳимжон ҚОСИМОВ,
Фарғона вилояти судининг судьяси

Халқимизнинг меҳр кўзда, деган ҳикмати замирида катта маъно мужассам. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда ҳатто яқин қариндошлар ҳам бир-бирларини йўқаб, учрашиб туришмаса, узоқлашиб кетиши ҳеч гап эмас. Айниқса, қуда-андачилик ришталарини боқлаган оилаларда бунинг йўриғи бўлакча.

Қонун кўмаги



Меҳр кўзда

Йил бошида Навоий шаҳридаги "Ҳаёт" маҳалласида яшовчи Маҳфират Шокирова фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига мурожаат қилиб, икки нафар фарзанди билан ота уйида истикомат қилаётгани, ҳовлида улардан ташқари ота-онаси ва акиси оиласи билан яшагани инobatга олиб, уни болалари билан бирга собиқ турмуш ўртоғининг (2021 йилнинг август ойида уларнинг никоҳи бекор қилинган) ўзлари доимий рўйхатдан ўтган уйга мажбурий тартибда киритиб қўйишни сўраганиди. Суд ушбу масалани батафсил ўрганиб чиқиб, М.Шокирова-нинг даъво аризасини қаноатландирди. Шундан сўнг Мажбурий ижро бюроси ходимлари ҳамда маҳалла-кўй саъй-ҳаракати билан даъвогарга собиқ турмуш ўртоғининг отаси номидagi ҳовлидан икки хона ажратиб берилди. Яшириб нима қилдик, аввалига биз ўртадаги низо сабабли бу хонадон маҳаллада нотинчлик ўчоғига айланса керак, деб ўйлаган эдик. Бундан қарангки, орадан тўрт ойдан зиёдрок вақт ўтиб, ажрашганлар қайта ярашди. Ҳатто М.Шокирова-нинг қайнотаси судга келиб, ўзининг миннатдорчилигини билдирди. Набираларини яхши қўришини, уларга ўрганиб қолганини қайта-қайта тасвирлади. Албатта, оилавий низо ва никоҳи бекор қилинган эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларнинг барчаси ҳам шундай ижобий ечим топавермайди. Аксарият ҳолларда аёлнинг

ўз ота уйида доимий рўйхатда қолиши ёки белгиланган муддатни ўтказиб судга мурожаат этиши низоининг қонуний ечимини чиғаллаштириб юборди. Натижада ижтимоий ҳимояга муҳтож оила пайдо бўлади. Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, навоийлик Латофат Холиқова 2001 йилда Қизилтепа туманига келин бўлиб тушган. У нафар фарзанди бор. У судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, кенжа ўғлини даволатиш учун касалхонада ётганида турмуш ўртоғи бошқа аёлга уйланиб олгани, доимий рўйхатдан турган уйга уни фарзандлари билан бирга киритишмаётганини баён қилди. Бу даъво аризаси суд томонидан батафсил ўрганилганида, ҳовли даъвогар эри билан бирга яшаган даврда қўрилгани ва кадастр идораси томонидан расмийлаштирилгани маълум бўлди. Шу боис Уй-жой кодексининг 32-моддасига асосан Л.Холиқованинг даъво аризаси қаноатландирилди. Хулоса ўрнида айтганда, оила инсоннинг шоҳ асари дея бежизга таърифламаган. Чунки мукамал оилада фарзандлар ота-она меҳридан баҳраманд бўлиб вояга етди, миллий кадрлар, инсоний фазилатлар гурчираб ривож топади. Оиланинг мустаҳкамлиги эса, ота-онанинг аҳил-иноқ фарзандлари тақдирига юксак масъулият билан ёндашиши асосида таъминланади. Шерали ОЧИЛОВ, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди судьяси



Мозийдан садо

Темурийлар элчилари Чин ҳоқони ҳўзурида

◀ (Бошланиши 1-бетда) Бойсунгур Мирзо Хожа Гиёсиддин сафар таассуротларини батафсил ёзиб боришни тайинлайди. 1422 йилнинг баҳорида уч йилдан зиёд давом этган сафардан қайтган Гиёсиддин Наққош кўрган-кечирганларини қоғозга тушириб, ҳукмдорлар саройлари орасида энг муҳташам саналган. Темурийлар салтанатининг элчилари ана шу тарихий воқеанинг гувоҳи бўлишди ва шу муносабат билан ўтказилган байрам тантаналарида ҳам иштирок этишди. Пекинда элчилар шарафига шохона дастурхон ёзилади. Аммо улар айни пайтда мусулмонлар тақвими бўйича рамазон ойи экани, элчиларнинг барчаси рўзадорлигини битибослар келтирилган. Гиёсиддин Наққошнинг ёзишича, Ҳиротдан чиққан элчилар Балх орқали Самарқандга етиб келган. Бу ерда уларга бошқа вилоятлардан юборилган элчилар ҳам келиб қўшилди. 1420 йилнинг 25 февралда барча элчилар бирга Хитой томон йўл олади ва 24 август кунин Хитой худудига кириб боришади. Хитой давлатига қарашли биринчи катта шаҳар Сўжуда императорнинг хос надимлари элчиларни катта тантана ва эҳтиром билан кутиб олган, уларнинг шарафига зиёфат берилган. Элчиларнинг пойтахтга бехатар етиб олиши учун ҳар бир бекатда махсус хизматчилар кутиб олиб, уларни, озиқ-овқат билан таъминлашган. Гиёсиддин Наққош ўз сарарида император Чжу Ди саройидаги қабул маросимларини ҳам батафсил тасвирлайди. Муҳташам саройда ҳар кун юз минг нафардан ортиқ одам императорга салом бериш учун пешонасини ерга қўйиб кутиб тургани шулар жумласидандир. Маълумки, 1420 йилда Мин

сулола вакили император Чжу Ди ўзи учун қўрилган янги саройга кўчиб ўтган. Уша пайтда ушбу иншоот ер юзидagi ҳукмдорлар саройлари орасида энг муҳташам саналган. Темурийлар салтанатининг элчилари ана шу тарихий воқеанинг гувоҳи бўлишди ва шу муносабат билан ўтказилган байрам тантаналарида ҳам иштирок этишди. Пекинда элчилар шарафига шохона дастурхон ёзилади. Аммо улар айни пайтда мусулмонлар тақвими бўйича рамазон ойи экани, элчиларнинг барчаси рўзадорлигини битибослар келтирилган. Гиёсиддин Наққошнинг ёзишича, Ҳиротдан чиққан элчилар Балх орқали Самарқандга етиб келган. Бу ерда уларга бошқа вилоятлардан юборилган элчилар ҳам келиб қўшилди. 1420 йилнинг 25 февралда барча элчилар бирга Хитой томон йўл олади ва 24 август кунин Хитой худудига кириб боришади. Хитой давлатига қарашли биринчи катта шаҳар Сўжуда императорнинг хос надимлари элчиларни катта тантана ва эҳтиром билан кутиб олган, уларнинг шарафига зиёфат берилган. Элчиларнинг пойтахтга бехатар етиб олиши учун ҳар бир бекатда махсус хизматчилар кутиб олиб, уларни, озиқ-овқат билан таъминлашган. Гиёсиддин Наққош ўз сарарида император Чжу Ди саройидаги қабул маросимларини ҳам батафсил тасвирлайди. Муҳташам саройда ҳар кун юз минг нафардан ортиқ одам императорга салом бериш учун пешонасини ерга қўйиб кутиб тургани шулар жумласидандир. Маълумки, 1420 йилда Мин


озор учун албатта, таассуфдамиз. Аммо бунинг учун элчиларни жазоламоқ тўғримикин? Зеро, элчи фақат ўз ҳукмдорининг совғасини етказди, холос. Қолаверса, бу от Соҳибқирон Амир Темурийнинг семимли тулпори бўлиб, император ҳазратларига ҳурмат юзасидан тўхфа сифатида юборилганди. Шундан сўнг император газабидан тушади ва элчиларни иззат-ҳурмат билан ўз юртларига қайтиши учун ижозат беради. Гиёсиддин Наққош ўз ҳамроҳлари билан 1421 йилнинг 8 майида Хонбалиқдан йўлга чиқиб, 1422 йилнинг 2 сентябрида Ҳиротга етиб келади. Энг муҳими, Гиёсиддин Наққош ўз асариди уша пайтда Хитойдаги суд-ҳуқуқ тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Унинг ёзишича, оғир жиноятга қўл урганлар олис вилоятлардан пойтахтга келтирилган, айбдорнинг қилмиши тахтачага ёзилиб, бўйнига осиб қўйилар экан. Императорнинг ўн икки девони бўлиб, жиноятчининг айби ҳар бир девон томонидан тасдиқланиши керак. Агар шу девонлардан лоақал биттаси айбсиз деб топса, жиноятчи афв этилиши мумкин экан. Шунингдек, агар айбланувчининг айбсизлигини исбот эта оладиган гувоҳ олти ойлик масофада яшashi маълум бўлса ҳам, ўша гувоҳни топиб келишар экан. Умуман олганда, ушбу тарихий асар нафақат ўзбек дипломатиясини тарихида, балки Хитой халқининг тарихи, анъана ва урф-одатларини ўрганишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Рустам ЖАББОРОВ, филология бўйича фалсафа доктори

Ўзиқарли фактлар

Дунёда ҳар йили турли сабабларга кўра қўллаб одамлар ўз-ўзидан йўқолиб қолади. Уларнинг орасида бой-бадавлат инсонлар ҳам учраб туради. Қуйида шу ҳақда маълумот берамиз.

Ғойиб бўлган бойлар ёхуд вафо қилмаган бойлик



Кочоқ эр Америкалик Дон Льюис мол-мулкни ўзининг оғир меҳнати орқали ишлаб топган. У катта миқдорда нақд пулга эга бўлса-да, доимо эски кийимда юрар, ўзини тутиши ҳам галатирок эди. Кўчмас мулк, бир талай қорхоналарга эгалик қилган Льюис бу билан нақданмай, хотини билан Флорида штатининг Тампа шаҳридаги 140 гектарлик ерда 200 та йўлбарс, пума ва арслонларни боқишни йўлга қўяди. 1997 йил август ойида унинг хотини Карон эрининг бедарак йўқолиши ҳақида хабар қилди. Эртаси кунни Дон Льюиснинг қалити ичкарида қолган ва эшиги қулфланган автомашинаси аэропортдан топилди. Аниқланишича, Льюис ғойиб бўлишидан икки ой аввал уйдаги нотинчлик туфайли хотинининг устидан судга ариза берган экан. Льюиснинг биринчи никоҳидан туғилган уч нафар қизи отаси йўқолишига Каронни айбдор деб ҳисоблашди. Улар полициядан ҳайвонлар бошпанасидаги гўшт қиймаларини текшириб қўришни талаб қилишди. Аммо бу айблов ўз тасдиғини топмади. Карон эрини кўчмас мулк билан Коста-Рикага қочиб кетгани ҳақидаги тахминини илгари сурди.

Дала йўлидаги довдир Ирландиялик йирик кўчмас мулк эгаси Кевин МакГивер йўқолишидан саккиз ой ўтган, дала йўлида тентираб юрганида топилди. У озиб кетган, довдираган қиёфада эди. Узининг айтишича, 68 ёшли миллионерни ўғирлашган ва транспорт контейнерида сақлашган. Бироқ полиция уни батафсил сўроқ қилган, сирлар очила бошлади. Охир-оқибатда Кевиннинг мамлакатдаги чекка худудлардан бирида истикомат қилгани, ўғрилиқ тарихини молиявий таҳдидлардан қочиб унун йўлба топгани аён бўлди. Маълум бўлишича, МакГивернинг бизнеси касодга учраган, ҳамкорлари ундан Дубай ва Германиядаги кўчмас мулклар билан боғлиқ товланишда шўбхалана бошлаган. Шунда МакГивер ўзини ўғрилади кетишгандек кўрсатишга қарор қилди. Бу билан у шерикларининг пулларини қайтариб бермасликни кўзлайди. Аммо унинг бу режаси амалга ошмайди ва ёлгон кўрсатма бергани болс хибсга олинади. У ўзини ўзи алдаган қаллоб миллионер сифатида ном қолдирди. Бадавлат спортчининг рекордлари Стив Фоссетт фонд биржаси орқали бойлик орттирган тадбиркор бўлган. У саргузаштлар ишқибози бўлиши билан бирга самолёт, елканли қайиқ спорти, ҳавода учиб бўйича 116 марта жаҳон рекордини ўрнатган спортчи ҳам эди. Фоссетт биринчи бўлиб дунё бўйлаб ҳаво шарида мустақил учини амалга оширган. У 63 ёшида бедарак йўқолиди. Мазкур воқеа 2007 йилнинг сентябрида Калифорниянинг Сьерра-Невада шаҳри тоғларида яқка тарздаги парвоз пайтида рўй берди. Миллионернинг ғойиб бўлиши бир кишини излаш билан боғлиқ машаққатли қидирув сифатида тарихда қолди. Бироқ Фоссетт ҳам, самолёти ҳам топилмади. Қизиғи шундаки, шу талриқ ғойиб бўлган миллионернинг олтимишта рекорди ҳозиргача янгилангани йўқ. Интернет материаллари асосида Хумоно Мирзо тайёрлади.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида яшовчи Фахриддин Мирзаев (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳозир 46 ёшда. Бироқ у айни пайтга қадар беш маротаба фирибгарлик жиноятини содир этиб, судланган.

У бешинчи марта Республика ногиронларни реабилитация қилиш марказида даволанаётган, ночор аҳволдаги Набижон Холматовни чув туширди. Гап шундаки, фирибгарликнинг ҳадисини олган Ф.Мирзаев бир кунни пўрим кийиниб, реабилитация марказига йўл олади. У ерда ўзини бадавлат ва саховатли инсон сифатида таништириб, моддий жиҳатдан қийналган ногиронларга ёрдам кўрсатишини айтади. Бунинг эшитган тиббиёт ходимлари унга Набижон Холматовни рўбарў қилишади. — Ҳиммат тиббиёткорман. Худога шукр, топиш-тутишим ёмон эмас. Қолаверса, сиздек муҳтож инсонга ёрдам қилсам, ишим янада ривожланади, — дейди Фахриддин. "Менга шундай инсонни учратгани учун Аллоҳга шукр!" — дея ич-ичидан хурсанд бўлади Н.Холматов. Сўнг ҳаяжонланиб, яна Ф.Мирзаевга қулоқ туттади. — Менга бирорта пластик карточка берсангиз, банкка бориб, ҳисоб рақамимдан пул ўтказиб келаман, — дейди "хотамтой". Бу гапга лаққа ишонган Набижон Холматов ўша заҳотиёқ ўзининг номига очилган пластик карточкасини унинг қўлига тутқазади. Аммо фирибгар мазкур картадаги Н.Холматов кўпдан буён пенсиясидан ҳамғариб келаётган 950.000 сўмни ечиб олади-да, пластик картани ташлаб юборади. Қўлга киритган пулни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлайди.



Жиноят ва жаза

Тавба қилмаган ФИРИБГАР

Натижада Фахриддин Мирзаев қўлга олиниб, унга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Албатта, тергов жараёнида у жабрланувчининг пулларини қайтариб беради. Суд мажлисида қилмишидан пушаймонлигини билдириб, қонуний энгиллик беришни сўрайди. Шу боис унга қилмишидан тегишли хулоса чиқариб олиш, ижтимоий фойдала меҳнат билан шуғулланиши учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жаза тайинланади. Бироқ унинг суддаги пушаймонлиги шунчаки жазодан қутулиш учунгина айтилган гап бўлиб чикди. Чунки у

га тушади. Шунда кўчада 2 нафар аёл ўзаро суҳбатлашиб турганини кўриб қолади. Уларнинг ёнига бориб, саломлик қилган, аввалгидек ўзини катта тадбиркор, нуфузли мебель цехи соҳиб сифатида таништиради. Сўнгра савоб умидида кам таъминланган оилаларни қидириб юрганини маълум қилади. Уша аёллардан бири — Зангиота туманининг "Қорасув" маҳалласида яшовчи, 1991 йилда туғилган Озода Иброҳимова унинг гапларига лаққа тушади. Унинг кўзига Ф.Мирзаев чинакам саховатпеша бўлиб кўринади. Бинобарин, аёл Ф.Мирзаевни уйига таклиф қилиб, онаси билан

таништиради. Кейин бирин-кетин ўзини муаммоларини айтиб беради. Яъни уйининг тоmidан чакка ўтаётгани, деразалари сингани — хуллас, яшаш шароитини яхшилаш кераклигини билдириб, ёрдам беришини илтимос қилади. Уша пайтда Ф.Мирзаев она-боланинг ишончлигини янада қозониш учун бир "роль ўйнайди". — Пешин вақти бўлиб қолибди, бирор хонада намоз ўқиб олсам, — дейди у. Шунда Озода ва онаси унинг тақводор инсон эканига тўлиқ амин бўлиб, саховатли бир бойга дуч келганидан роса қувонишади. — Менга пластик картангизни берсангиз, ҳисоб рақамимдан пул ўтказиб бераман, — дея у худди Набижон Холматов сингари она-болани ҳам лақиллатади. О.Иброҳимова ўзини тақводор кўрсатган бу кимсага пластик карточкасини бериб юборади. Фирибгар пластик картада мавжуд бўлган 500.000 сўмни нақдлаштириб олади-ю, қайтиб қорасини кўрсатмайди. Аммо қонун ҳимоячиларидан қочиб қаёққа ҳам боради? Жабрланувчининг мурожаатига биноан қўлга олинган, унга нисбатан олтинчи маротаба жиноят иши кўзгатилади. Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан айбдор деб топиб, озодликни чеклаш жазосига маҳкум этди. Судда фирибгар яна илгаригидек тавба-тазарру қилди — айни пайтда касал экани, ўзининг уй-жойи йўқлиги, ижарада яшashi ва қилмишидан пушаймонлигини билдириди. Унинг пушаймонлигини эшитган кишининг хаёлига доно халқимизнинг "Букрини гўр тўғрилайди" деган пурҳикмат нақли келади. Зафар ШАРОПОВ, жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди судьяси

Куч — адолатда МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Козимджан КАМИЛОВ Бахтиёр ИСАКОВ Холмуҳин ЁДГОРОВ Зарифжон МИРЗАКУЛОВ Замира ЭСОНОВА Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-515 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6641 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 22⁰⁰.